

Иорданияда Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф хотираларига бағишланган конференция ўтказилди



19:39 / 14.03.2020 2811

Иордания Оли Байт "Исломиё тафаккур" қироллик академияси 11 март куни халқаро ислом билимлари университетида академия аъзоси фазилатли шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф ҳазратларининг хотираларига бағишланган конференция ўтказди. Унда бир қанча мусулмон уламолари университет ректори ва академия уламолари кенгаши раиси қатнашди. Конференцияда шайх ҳазратларининг таржимаи ҳоллари ислом оламида тутган ўринлари ва умматга тақдим қилган хизматлари зикр қилинди.

Image not found or type unknown



Академия шайх хазратлари номларидан 14 та хайрия лойиҳа амалга оширишга қарор қилди. Аллоҳ бу хайриялардан пайдо бўлган савобларини шайх хазратларининг руҳларига етказиб садақаи жория сифатида қабул охирагдаги мақомларини юксалишига сабабчи қилсин.

Image not found or type unknown



Image not found or type unknown



[Манба](#)